

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳайдаров Ўктам Ўткирович

Бизнес Ва Тадбиркорлик Олий Мактаби

Мамлакатимзда акциядорлик жамиятлари учун ҳаддан ташқари кўп талаблар белгилангани Акциядорлик жамияти ташкилий-ҳуқуқий шаклининг тадбиркорлар учун умуман жозибadorлиги пасайтириб, Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Масалан биргина акциядорлик жамиятининг таркибида унинг фаолиятини назорат қилиш учун қатор мажбурий талаблар мавжуд:

1. Жамият кузатув кенгаши (5-11 киши);
2. Тафтиш комиссияси (1-3 киши);
3. Жамият ички аудитори (1-3 киши);
4. Жамият ташқи аудитори томонидан ҳар йиллик текширув ўтказиш;
5. Ташқи аудитдан ўтказиш;
6. Корпоратив бошқарувни баҳолатиш;
7. Ҳар чораклик ва йиллик ҳисоботи;
8. Халқаро аудиторлик компаниялари билан шартнома тузиш.

Бизнингча, мазкур текширувлар ва ҳисоботлар рўйхати кескин қисқартириш жамият раҳбарияти ва ходимларини иш унумдорлигини ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, 37 тага яқин меъёрлар мавжуд бўлиб, жамият акциядорлари сонининг миқдори умуман еътиборга олинмаганлиги акциядорлик жамиятлари учун маълум бир қийинчиликларни тўғдирмоқда. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, акциядорлик жамиятларида енг кам иш ҳақининг 1 дан 10 баробаригача миқдорида жаримоа солинади. Натижада еса, акциядорлик жамиятларида узоқ муддат раҳбарлик қилган раҳбарлар тизимли равишда маъмурий жазога тортилувчи кишилар сафига қўшилиб қолиши мумкин.

Электрон тизимдан фойдаланиш даражаси пастлиги инфратузилманинг ривожланиш даражасига салбий таъсир етмоқда. Фикримизча, қимматли қоғозлар бозорида электрон тизимдан фойдаланишни ривожлантириш зарур, масалан акциядорларнинг умумий йиғилишини онлайн тарзда ўтказиш, электрон рақамли имзо воситасида биржага бормасдан қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш имкониятлари, листинг компаниялари қимматли қоғозларини даромадлилик даражаси ва рискинни ҳисоблаб, доимий еълон қилиб боровчи рейтинг агентликларини ташкил етиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, «McKinsey & Co.» матритсаси бўйича аниқланган кўрсаткичлар бўйича қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилади.

Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини давлат томонидан тартибга солишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Аммо ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солишда Мегарегулятор муҳим ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозори яъни молиявий беқарорликни келтириб чиқармаслиги учун давлат томонидан қатий тартибга солиниши, хажмли, динамик ва рақобатли, ривожланган инфратузилмага ва замонавий ахборот-технологияларига ега бўлган мураккаб тузилмага ега хусусиятларга ега эканлиги унинг маркетингининг мураккаблигини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори маркетингнинг ўзига ҳос хусусияти ва мақсадлари нафақат бозорни ривожланиши балки, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларнинг ушбу бозорда самарали фаолият юритиш ва иқтисодий жиҳатдан юксалишини инобатга олиш лозимлигини келтириб чиқаради.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ва маданий омиллар, айниқса демографик омилларни ҳам таъсири мавжуд. Демографик омиллар Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлар бозорини ривожланишига деярли таъсири кузатилмаётганлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўналишлари сифатида қимматли қоғозлар бозорининг самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш орқали ривожлантиришдир.

Қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати, унинг ўзгаришлари, иштирокчиларининг молиявий аҳоли ва бошқа жиҳатлар қимматли қоғозлар бозорининг асосий хусусиятларини ташкил этиб, улар бўйича хулосалар чиқариш еса қимматли қоғозлар бозори маркетинг тадқиқотлари орқали амалга оширилади. Қимматли қоғозлар бозорининг асосий жараёнлари индексли ўзгаришлар ҳисобланади. уларни ҳисоблаш ва прогнозлаш масалалари еса қимматли қоғозлар бозори маркетинги билан чамбарчас боғлиқ.

Қимматли қоғозлар бозори маркетинги- қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг стратегик мақсадларини, тактик вазифаларини ва уларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни ифодалайди.

Қимматли қоғозлар бозори маркетинги қуйидаги муҳим вазифаларни ечишга хизмат қилади:

- қимматли қоғозлар бозоридаги инфеститсион жазибдорликни аниқлаш;
- молиявий таҳлил, қимматли қоғозлар бозори индекслари ва прогнозлар асосида истиқболдаги ўзгаришларни аниқлаш;
- қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш бўйича маълумотлар йиғиш;
- бозорни ривожлантириш бўйича бозор иштирокчиларининг молиявий ҳолати бўйича ахборотлар олиш, уларни таҳлил қилиш ва истиқболдаги ҳолатлари бўйича маълумотлар тақдим этиш;
- умумий инвеститсион жозибдорликни ошириш;

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори маркетингига қўйиладиган асосий талаблар еса қуйидагилар ҳисобланади:

қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритувчи ходимлар асосий еътиборини, қимматли қоғозлар бозорга чиқарилган вақтдан бошлаб, бозордан чиқиб кетгунга қадар уларнинг хаётий даврини аниқлаб бориши лозим;

бозор нархларининг ўсиши ва бошқа бир қатор йўналишлар бўйича доимий ахборотлар бериб бориш, бозор иштирокчилари манфаатларини самарали ҳал етиш еса асосий вазифалар сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Дунё амалиётида қимматли қоғозлар бозорининг тартибга солувчи инфратузилмасини яратиш учун умумий модел йўқ. Ҳар бир мамлакат бу жараёнга ўзича ёндашади, бироқ, Ўзбекистон учун миллий моделни шакллантириш амалиётида хорижий тажрибаларга таяниш мақсадги мувофиқ. Интеграл кўринишда молия бозори шу жумладан, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишнинг умумий мақсад ва принтсиплари Молия бозорини тартибга солувчилар халқаро ташкилоти ИОССО⁶³ томонидан ифодаланади, Ўзбекистон еса бу ташкилотга аъзо емас.

Миллий тартибга солувчи ташкилотлар учун мазкур ташкилотнинг ҳужжатларини бажариш мажбурияти белгиланмаган, аммо миллий даражада қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун унинг ИОССОнинг асосий қоидаларини босқичма-босқич амалга ошириб бориш зарурияти мавжуд. Қимматли қоғозлар бозорининг тартибга солувчи инфратузилмаси учта асосий мақсадни кўзлайди: инвесторларни ҳимоя қилиш, бозорда адолатли, самарали ва ошкор фаолият юритишини таъминлаш, тизим рискларини камайтириш.

Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчиси фаолиятларини 3.1-расмга кўра жами 16 та умумий йўналишларга ажратиб белгилаш мумкин. Уларга кўра Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини самарадорлигини янада оширишнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг маркетинг йўналишлари сифатида давлатнинг фаол билвосита аралашув сиёсатини амалга ошириш, унинг ваколатлари ва компетентсияларини, шунингдек хизмат фаолиятининг барча жиҳатларини белгилайдиган, шу жумладан битта муассаса доирасида ҳуқуқ белгилаш ва назорат функтсияларини амалга ошириш зиддиятини тартибга соладиган махсус қонун қабул қилиниши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021-й., 03/21/671/0093-сон.

⁶³ Objectives and Principles of Securities Regulation. IOSCO. 2003. May.

2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2021-й., 03/21/689/0395-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 913-ХП-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 30-июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.03.2020-й., 06/20/5968/0331-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 29-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018-йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 31.12.2017 й., №07/17/3454/0484.